Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 26 ноябрь, шанба • № 94 (11.793) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИДА

2005 йил 24 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисини 2005 йил 2 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси 2006 йилги Давлат бюджетининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган лойиҳасини муҳокама этиб, Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг биринчи ўринбосари Б.Ашрафоновнинг маърузасини, шунингдек Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг шу масалага оид, қўмита раиси ўринбосари Э.Боқибоев томонидан тавсиф этиб берилган хулосасини тинглаб, Кенгаш Ўзбекистон Республикаси 2006 йилги Давлат бюджетининг лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси муҳокамасига киритишга қарор қилди.

Сенат ялпи мажлиси муҳокамасига Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва маъқуллаш учун Сенатга юборилган бир қанча қонунларни, хусусан "Уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, "Банкротлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, «Тадбиркорлик субъектларига солиқ солиш ва уларнинг ҳисобот бериш тизими тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳамда бошқа қонунларни киритиш режалаштирилмоқда.

Шу масалалар билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларини тасдиқлаш, Конституциявий суд ва Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш, Ўзбекистон Республикасининг бир қанча мамлакатлардаги дипломатик вакилларини тайинлаш ҳамда вазифасидан озод қилиш масалаларини, шунингдек Олий Мажлис Сенатининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам сенаторлар муҳокамасига киритиш мўлжалланмоқда.

Кенгаш парламент юқори палатаси қўмиталарининг тўртинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишларини мувофиқлаштириб боришни Олий Мажлис Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.Муҳитдинова зиммасига юклади.



МЕЗБОНЛИК НАВБАТИ ЯНА ЎЗИМИЗДА

Истиқлол йилларида спортни ривожлантиришга катта эътибор берилаётгани туфайли бугун юртимиз қатор спорт турлари бўйича жаҳон, Осиё чемпионатлари, жаҳон кубоги мусобақалари ҳамда кўплаб нуфузли халқаро турнирларга мезбонлик қилмоқда.

Айниқса, ўзбек миллий кураши жаҳонга кенг ёйилиб, катта нуфузга эга бўлиб бораётгани қувончли ҳолдир. Қисқа давр ичида бешта қитъада (Африка, Пан-Америка, Европа, Океания, Осиё) Кураш Конфедерациялари ташкил этилиши ва 75 дан ортиқ давлатда кураш федерациялари расмий фаолият олиб бораётгани спорт турлари тарихида мисли кўрилмаган ҳодиса бўлди.

Бугун пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида кураш бўйича тарихий бешинчи жаҳон чемпионати бошланади. Унда беш қитъанинг 68 давлатидан жами 400 нафарга яқин полвонлар иштирок этиши кутилмоқда. Шу муносабат билан оммавий ахборот воситалари иштирокида матбуот анжумани ташкил этилди. Анжуманда таъкидланишича, чемпионат доирасида Кураш Халқаро Ассоциациясининг навбатдаги ижроқўм йиғилиши ҳамда VI конгресси бўлиб ўтади.

— Ушбу чемпионатга мамлакатимизнинг энг кучли курашчилари жиддий ва пухта тайёргарлик кўрди, — деди Кураш Халқаро Ассоциацияси президенти Комил Юсупов. — Мухлислар Рамзиддин Саидов, Давлат Чориев, Шухрат Муродов, Абдулла Тангриев каби тажрибали полвонларимизга катта ишонч боғлашмоқда. Аёллар баҳсида ҳам тўққизта вазн тоифасида қатнашаётган етакчи кураш усталаримиздан умидимиз катта.

Шунингдек, ассоциация президенти бу галги турнир олдинги жаҳон чемпионатларига нисбатан янада қизиқарли ўтишига ҳамда яқин келажакда бошқа бир қатор мамлакатларга ҳам курашнинг кенг тарқалишига ишонишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Хуршида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Россия делегациясининг ташрифи

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Россия Федерацияси Федерал йиғини Федерация кенгашининг МДҲ масалалари бўйича қўмитаси раиси В.Густов раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинова билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб ва юксалиб бораётгани, икки давлат раҳбарларининг яқинда Москва шаҳрида ўтган учрашуви чоғида имзоланган ҳужжатлар бунда муҳим асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Томонлар, шунингдек, парламентлараро алоқаларни янги босқичга кўтариш учун барча имкониятлар мавжудлигини қайд этиб, истиқболда мазкур йўналишдаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга келишиб олдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари М.Сафоева билан учрашувда парламентлараро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Меҳмонлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик жараёнлар, икки палатали парламент фаолияти билан танишдилар.

ЎзА.

Қишлоқ хўжалиги кўргазмаси

Пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида 10-халқаро FOODWEEK Uzbekistan-2005 озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Уни АҚШнинг TNT Productions Inc компанияси Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермер хўжаликлари уюшмаси ва "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" холдинг компанияси кўмагида ташкил этди.

Кўргазмада Ўзбекистон, Бангладеш, Буюк Британия, Голландия, Ҳиндистон, Италия, Қозоғистон, Россия, Тайвань, Туркия, Украина ва Эстония каби 12 мамлакатдан 36 компания иштирок этмоқда.

Кўргазма тўрт бўлимдан иборат: Food Expo – озиқ-овқат ва ичимликлар, Food Tek – озиқ-овқат саноати учун технология ва ускуналар, Pack Tek – қадоқлаш технологиялари ва ускуналари, Agri Tek – қишлоқ хўжалиги технологиялари ва ускуналари.

Бу каби кўргазмалар халқаро ҳамкорликнинг истиқболини кўрсатиш билан бирга истеъмол бозорида янги маҳсулотнинг пайдо бўлиши ва замонавий технологияларнинг жорий этилиши учун имкон яратади. Кўргазма ташкилотчиларининг сўзларига кўра, унинг асосий мақсади озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати ютуқларини намойиш этиш, тажриба алмашиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашиш ва Ўзбекистон истеъмол бозорини янгилашдан иборат.

Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари кўргазмада турли хил товарларни намойиш этмоқда. Улар орасида "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси ўз маҳсулотлари билан алоҳида ажралиб турибди. Бу – маҳаллий хомашёдан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳар хил ичимликлар. Ҳиндистон компаниялари машҳур чой навларини таклиф этиб, кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда.

Қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва фермерларни Россиянинг "Ростсельмаш" ОАЖ бўлими ўзига жалб этмоқда. Компаниянинг экспорт бўйича директори Эльмар Агаев мухбиримиз билан суҳбатда "Ростсельмаш" ўтган йили ўзбек деҳқонларига 40 дан ортиқ турли қишлоқ хўжалик техникаси етказиб берганини айтиб ўтди. Жорий қишлоқ хўжалиги йилида бундай ҳамкорлик давом этмоқда. Кўргазма давомида Ўзбекистон фермерлари учун 100 та "Дон-1500 Б", "Нива-эффект" ва "Вектор" комбайнларини сотиб олиш тўғрисида "Ғаллабанк" билан битим имзоланди. Келгусида республикага яна 230 та қишлоқ хўжалиги агрегати олиб келиш мўлжалланмоқда.

В. НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

Олмаликда экспорт ҳажми ортиб, жорий йилнинг тўққиз ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 154,9 фоизга етди.

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

Хорижий буюртмачиларга жами 251 миллион 514 минг АҚШ долларилик маҳсулот юборилди. Бунинг асосий қисми Олмалиқ кон-металлургия комбинати ҳисобига тўғри келади.

Айни пайтда шаҳардаги яна 13 та қўшма корхонада ҳам экспорт учун тайёрланаётган маҳсулот ҳажми ва турларини кўпайтириш борасида янги имкониятлар излаб топилмоқда.

Олмалиқ ғишт заводида 160000, «Олмаликташкитранс» қўшма корхонасида 187000, «Кончи» масъулияти чекланган жамиятда 50000, «Ҳамкор-керамика» кичик корхонасида 30000, «Поёндоз» қўшма корхонасида 12000 АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлар четга экспорт қилинди.

Мунаввара РАЖАББОЙ қизи.

Ўқув-машғулот

«КАМАЛАК» МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА!

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ мамлакатимиз ёшлари ижтимоий жиҳатдан фаоллашди.

«Камалак» — болаларнинг ўз ақл-заковатлари, куч ва ғайратларини тўла намоён этишлари, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароит яратиб бериш билан бирга уларнинг чинакам суянчи ва таянчига айланиб бормоқда.

Жумладан, ташкилотнинг вилоят кенгаши Қибрай туманидаги «Умид гулшани» сиҳатгоҳида икки кунлик ўқув-машғулотини ўтказди.

Ўқув-тренингда иштирок этган ташкилот етакчиларига турли хил интеллектуал машғулотлар ўргатилиб, келгусида уларни жойларда татбиқ этиш ва шу йўл билан ўсиб келаётган ёш авлоднинг онгига «Мана шу Ватан менинки» каби тушунчаларни сингдиришлари лозимлиги таъкидланди.

Тадбир сўнгида «Камалак» етакчилари ва ўқув-машғулотда жонбозлик кўрсатган ташкилот фаолларига диплом ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Мўмин ИБОДОВ.

Изчил ислоҳотлар йўлида

ҲАҚИНИ ТАНИГАН ҚОҚИЛМАС

Ҳар куни идорамга келиб, иш жойимга ўтирар эканман, фаолиятимни тадбиркорликка оид қонунларни ўқишдан бошлайман. Чунки, ишда хатога йўл қўймаслик, ўз ҳақ-ҳуқуқимни ҳимоя қила олишим учун тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатларни яхши билишим зарур.

Бугун ҳам эрта тонгда гарчи қайта-қайта ўқиб, моҳиятини тушуниб олган бўлсамда, «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «Тадбиркорлик субъектларини хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарликни эркинлаштириш тўғрисида», «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлиги учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» ва ниҳоят, «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги каби қатор тадбиркор ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир фармон ва қарорларни қўлимга олдим. Қисқа муддатда Президентимизнинг шундай муҳим ва долзарб фармонлари эълон қилиниши тадбиркорлик соҳасига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилганидан далолатдир.

Бугун ҳеч бир мансабдор ёки ҳеч бир назорат идораси тадбиркорнинг эркин фаолиятига ноқонуний аралашолмайди. Аралашган тақдирда ҳам улар учун қонуний жавобгарлик белгилаб қўйилган.

Эътибор беринг, қонун талабларига кўра, тадбиркорнинг давлатга мажбурий тўловларидан тортиб, назорат идораларига топширадиган ҳисоботлари ҳам кескин қисқартирилди. Бундан мақсад тадбиркорни ортиқча расмиятчиликдан ҳоли қилиш, қоғозбозликка чек қўйишдир. Токи тадбиркор ўз иши билан шуғуллансин, асосий эътибори ўз бизнесида бўлсин. Шундагина ишда ривожланиш бўлади, фаолият турлари кенгаяди. Даромад ҳам шунга яраша салмоқли, солиқ тушумлари ҳам баракали бўлади.

Илк бор нотариус сифатида хусусий амалиёт бошлаган кезларимда мен ҳам текширтекширлар, қоғозбозликлардан куйгандим. Президентимизнинг юқоридаги фармонлари менинг ҳам жонимга оро кирди. Бугун эркин ишлаяпман, ортиқча масалаларга бошимни қотирмайман.

Ҳар бир тадбиркор ўзига тааллуқли бўлган меъёрий ҳужжатларни, керак бўлса, киссасида олиб юриши, жойида ундан фойдаланиши, энг асосийси ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва мажбуриятлари нималардан иборат эканлигини билиб олиши лозим. Акс ҳолда фаолияти давомида қоқилиши муқаррар.

Розия ҚУРБОНОВА,
Янгийўл тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус.

ИМКОНИЯТЛАР ЭСА КЎП

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси, партиянинг Тошкент вилояти кенгаши аъзоларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасида баён этилган мулоҳазалар муносабати билан партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш масалалари теварагида фикрлашиб олинди. Партия халқ орасига кириб бориб, ташкилотчилик-тарбиявий салоҳияти ва имкониятини намоён этсагина ўз дастурий вазифаларини амалга ошириб, муваффақиятга эриша олади, деб таъкидланди йиғилишда.

Насиба ОЧИЛОВА.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

ҲАМ СУРЪАТ, ҲАМ СИФАТ

Пскент туманидаги «Муродали» ширкат хўжалигида янги касб-ҳунар коллежи қурилиши ниҳоясига етказилди. Бинони жиҳозлаш ишлари давом этмоқда.

Коллеж қурилиши учун сарфланган 1 миллиард 366 миллион сўм маблағни кўп тармоқли «Бунёдкор» ташкилоти тўққиз ойда ўзлаштирди.

Янги коллеж Ўзбекистон Республикаси конституцияси қабул қилинган кун — 8 декабрда фойдаланишга топширилади.

Ўз мухбиримиз.

БОҒЧА ЯНА ИШ БОШЛАДИ

Зангиота туманидаги 22-болалар боғчаси анча йиллардан буён қаровсиз ҳолда ётарди. Ҳудуддаги «Иттифоқ» ширкат хўжалиги ташаббуси ва ҳомийлигида муассаса капитал таъмирдан чиқарилди.

Боғча 120 ўринга мўлжалланган бўлиб, айни кунда тарбияланувчиларни қабул қилиш ишлари якунланмоқда.

Ўз мухбиримиз.

ИШЛАЙСИЗМИ, МАРҲАМАТ!

Зангиота туманидаги «Бўзсув» қишлоқ фуқаролар йиғинида бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда 70 нафар ишсиз фуқаро иштирок этди.

Туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими томонидан ташкил этилган ярмаркада қишлоқнинг 40 нафар аҳолиси янги иш ўринларига эга бўлди. Шундан 25 нафари аёллар.

Халқ таълими бўлими ҳамда «Фаровон» масъулияти чекланган жамияти асосий иш берувчи вазифасини ўтади.

Равшан РУСТАМОВ.

КОРХОНА ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН

Бекободлик бир гуруҳ талабалар Москвадаги пўлат ва қаттиқ қотишмалар институтида ўқиш учун йўлланма олишди. Улар дастлаб олий ўқув юртининг тайёрлов бўлимида таҳсил кўриб, билимларини оширадилар.

Гап шундаки, институт билан Ўзбекистон металлургия комбинати ўртасида ҳамкорлик алоқаси йўлга қўйилди. Ўзаро келишувга биноан корхонада олий ўқув юртининг кўчма қабул комиссияси иш олиб борди. Кириш имтиҳонидан муваффақиятли ўтган ўн нафар мактаб битирувчиси етти ой мобайнида тайёрлов бўлимида ўқийди. Шундан сўнг улар институтнинг биринчи курсида давом эттирадилар.

Билимдон, малакали бу ёшлар кейинчалик Ўзбекистон металлургия комбинатида ўз меҳнат фаолиятларини бошлайдилар.

ТАДБИРКОРЛАР КЕЛИШИБ ОЛИШДИ

Мисрнинг «Тадбиркор аёллар» ҳамда Оҳангароннинг «Тадбиркор аёл» уюшмалари ўртасида ҳамкорлик битими имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси вакиллари, ишбилармон, фермер, ҳунармандлардан иборат делегация яқинда Мисрда сафарда бўлди. Улар Миср Араб Республикасининг техник ёрдам кўрсатиш лойиҳаси доирасида уюштирилган «Мисрда кичик бизнес менежменти ва маркетинг» ўқув курсларида қатнашиб, ўзаро тажриба алмашишди.

Сафар чоғида Миср «Тадбиркор аёллар» уюшмаси ва Оҳангарон шаҳри ишбилармон хотин-қизлари ўртасида яқин ҳамкорлик қилиш хусусида келишиб олинди.

Акбар АЛИЕВ.

ТАНЛОВДАН ЎТГАН ФЕРМЕР БЎЛАДИ

Чиноз туманидаги «Йўл тушган», «Ўзбекистон», Т. Эрназаров, А. Темур, Т. Оҳунова номли ширкат хўжаликлари тугатилиб, улар негизида фермер хўжаликлари ташкил этиш режалаштирилган.

Шу муносабат билан фермерликка даъвогарлар ўртасида танлов эълон қилинди. Бундан асосий мақсад ерни асл эгасига топширишдир.

Танлов шартларига кўра, фермерликка даъвогарлар зироатчиликда катта тажриба ва иш бошлаш учун моддий-техник базага эга бўлиши керак. Бундан ташқари танлов иштирокчилари яна бир қатор шартлардан ўтганларидагина фермер мақомига эришадилар.

Рустам НЕЪМАТОВ.

ЕНГИЛ САНОАТЧИЛАР ЎҚУВ МАРКАЗИ

Мустақиллик йилларида, барча соҳалар сингари, мамлакатимиз енгил саноатида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилди.

Кейинги йилларда «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси таркибига кирувчи корхоналарда ички истеъмол бозорини тўлдириш, четга товар экспорт қилиш ҳажмини кенгайтириш мақсадида ип-газлама, тикувчилик-трикотаж маҳсулотларининг янги рақобатбардош турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Жорий йилда республикамизда бир неча янги қўшма корхоналарнинг фаолият бошлагани тўқимачилик соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг узвий давоми бўлди. Юксак унумли технологиялар асосида жиҳозланган бу корхоналарда минглаб кишилар доимий иш билан таъминланди.

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, асосий мақсад юртимизда етиштирилаётган пахта толасини қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар турларини кўпайтиришдан иборат. Бу эса ўз навбатида замонавий енгил саноат корхоналари учун бугунги кун талабига мос кадрлар тайёрлаш, уларнинг билим ва малакаларини ҳам мунтазам ошириб боришни тақозо этади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ихтисослашган ўқув марказининг иш бошлаганини бу борадаги жиддий қадам бўлди дейиш мумкин. Мазкур марказ Германия ва Швейцариянинг "Shlafporst, Saurer Group" фирмалари гранти асосида замонавий йигирув дастгоҳлари билан таъминланган.

– Марказимизда тўқимачилик саноати соҳасидаги янгиликлар билан танишиш имкони мавжуд, – дейди мазкур институт табиий ва кимёвий толаларни йигириш кафедраси мудири, техника фанлари номзоди Сайфулло Матисмоилов. – Бу эса нафақат талабаларимиз, балки турдош институтларнинг профессор-ўқитувчилари, алоқадор касб-ҳунар коллежлари ходимлари ҳамда бакалавр ва магистрларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Марказ пахта хомашёсини тозалаш, титиш, тараш, пилталаш, ҳалқали ва пневмамеханик йигириш, қайта ўраш, калавани пишитиш ҳамда ҳавони чангдан тозалашга мўлжалланган ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, тингловчиларга олган назарий билимларини амалиётда янада мустаҳкамлаш имконини беради.

Х.САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

Юртимизда келажагимиз эгалари – ёш авлоднинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётир. Билиб-билмай жиноят йўлига кириб қолаётган ёшларни соғлом ҳаётга қайтариш долзарб масалалардандир.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР

Шу боис бугунги кунда қонунларимизда вояга етмаганларга нисбатан шафқат тамойилларини кенгроқ акс эттиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Зеро, ҳали оқ-қорани таниб улгурмаган ўсмирни тўғри йўлдан адашгани учун қаттиқ жазолаш салбий оқибатларга олиб келиши сир эмас. Аксинча, унинг яхши йўлга тушиб кетиши учун кўмаклашишнинг самараси кўпроқ.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси айни шу мақсадда ахлоқ тузатиш колониялари-даги ёшлар билан доимий иш олиб борябти. Тошкент вилоятининг Зангиота туманида жойлашган болалар ахлоқ тузатиш колониясида бўлиб ўтган маданий-маърифий кеча ҳам ана шундай мақсадда ташкил этилди.

Тадбирда ҳуқуқий мавзуларда маърузалар тингланди. Болаларга "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг совғалари топширилиб, ёш хонандаларнинг концерт дастури тақдим этилди.

ЎзА.

Таълим

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРГА ТАЯНИБ

Чиноз туманидаги Услубий хизмат кўрсатиш жамоатчилик ресурс марказида ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолияти билан боғлиқ барча ташкилий масалалар мувофиқлаштирилади. Бундан ташқари, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг касб маҳоратини ошириш, малакали педагогларнинг илғор иш тажрибаларини ёш педагогларга намуна сифатида тавсия этиш, услубий қўлланмаларни оммалаштириш каби жараёнлар марказнинг асосий мақсадларидан биридир.

Шунингдек, марказда фойдаланувчилар учун компьютер, нусха кўчириш мосламаси, рангли телевизор ҳамда видеомагнитофон, деворий кўргазмалар, меъёрий ҳужжатлар, 30 хил йўналиш бўйича услубий тавсия ва қўлланмалар мавжуд. Улар барча ўқитувчи ва тарбиячиларга энг намунали педагогларнинг илғор иш тажрибалари ҳамда тавсия ва қўлланмаларидан унумли фойдаланиш имконини бермоқда.

Саид ҲАСАНОВ.

СУРАТДА: марказда навбатдаги мулоқот чоғи. Даврон АҲМАД олган сурат.

Конституция куни олдидан

Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддаси.

ФАН ТАРАҚҚИЁТИ ВА ЖАМИЯТ РИВОЖИ

Илм-фани илдизлари қадим замонларга бориб тақаладиган юртимизда мустақиллик йилларида илм-фан тараққиётини янада ривожлантириш, илмий тадқиқотларни юқори савияда олиб бориш учун етарли шарт-шароитларни яратиш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, фан ютуқларидан амалиётда кенг фойдаланиш масалаларига улкан эътибор қаратилмоқда. Натижада олимларимиз илм-фаннинг турли йўналишларида, жумладан физика соҳасида жаҳоншумул ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Саъдулла ЛУТФУЛЛАЕВ билан суҳбатимиз ана шулар хусусида бўлди.

– Юртимизда физика соҳасига ихтисослашган ўнлаб илмий марказлар, илмий-тадқиқот институтлари, бўлимлар, тажриба-эксперименталь корхона ва расадхоналар фаолият юритяпти, – дейди С.Лутфуллаев. – Фанлар академиясининг Ядро физикаси, Электроника, Астрономия институтлари, Иссиқлик физикаси бўлими, "Физика-қуёш" ва "Академасбоб" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, Космик тадқиқотлар маркази, "Радиопрепарат", "Тезлаткич" корхоналари, Китоб ва Майданакдаги радиорасадхона ана шулар жумласидандир.

Ушбу йирик илм-фан марказларида илмий тадқиқотларни юқори савияда олиб бориш учун кўплаб ноёб асбоб-ускуналар, технологик мажмуалар мавжуд. Жумладан, қуввати 10 МВт бўлган тадқиқот ядро реактори, гамма-нурлатгич қурилмалари, нейтрон генератори, катта қуёш сандони, Майданакдаги баланд тоғ расадхонаси, халқаро Китоб кенглик станцияси ва бошқа кўплаб замонавий асбоб-ускуналар, техник жиҳозлар олимлар ҳамда ёш мутахассислар хизматида.

Илм-фаннинг бошқа соҳалари каби физика йўналишида ҳам кўплаб буюк алломаларимиз ўзига хос мактаб яратиб қолдирганлар. Ҳозирги кунда уларнинг анъаналарини изчил давом эттираётган олимлар фаннинг фундаментал ва амалий масалаларини тадқиқ этишга йўналтирилган кенг кўламли ишларни амалга ошираётир. Бу борада эришилаётган ютуқлар нафақат мамлакатимиз илмий жамоатчилиги, балки хорижлик мутахассисларнинг ҳам эътиборини ўзига жалб этмоқда.

– Ана шундай муҳим илмий ихтиролардан мисоллар келтириб ўтсангиз.

– Бу ўринда қаттиқ жисмлар назарияси соҳасида яратилган оламшумул кашфиётларни айтиб ўтиш мумкин. Олимларимиз бу жабҳада дунёда биринчи бўлиб турли муҳитларда ночизиқли тўлқинларнинг тарқалиши ва эволюцияси назариясига асос солдилар. Галаёнланиш назариясининг вариацион услуби ривожлантирилди ва у илк бор муайян тўлқинли оптик солитонлар таъсирлашувларини ҳамда флуктуациялар таъсиридаги солитонлар динамикасини ўрганишга татбиқ қилинди. Бу назариялар келажакда жамият ривожига хизмат қиладиган кўплаб янги техника ва технологиялар яратиш, ахборот технологиялари, энергетика ва бошқа жабҳалар тараққиётини янада жадаллаштиришда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Радиацион физика ва материалшунослик соҳасида олинган натижалар эса кристалл ва нокристалл материалларнинг хусусиятларини модификациялаш, уларнинг радиация таъсирига турғунлиги ва сезгирлигини ошириш, ярим ўтказгич асбоблар яратишнинг радиациявий-технологик усулларини ишлаб чиқиш ва параметрларини бошқариш имкониятини бераётир.

Олимларимизнинг фундаментал соҳадаги бундай кашфиётлари, активацион таҳлил ва радиокимё, ярим ўтказгичлар физикаси, физикавий электроника ва сирт физикаси, оптика ва лазер физикаси ва бошқа йўналишларда яратган илмий ихтиролари халқ хўжалигининг тегишли тармоқларига тўла жорий этилаётир. Гиёҳвандлик моддаларини аниқловчи юқори сезгирликка эга индикаторларнинг яратилиши эса инсон саломатлигини асраш йўлида изланаётган олимларимиз фидокорона меҳнатининг яна бир маҳсулидир.

Бу борада Ядро физикаси институтида ихтиро этилган юқори самарадорликка эга илмий ишланмалардан бири – радиоизотоплардан тиббиёт соҳасида кенг фойдаланилаётир.

Мазкур институтга қарашли «Радиопрепарат» ва «Тезлаткич» корхоналарида ишлаб чиқарилаётган ушбу маҳсулот мамлакатимиз эҳтиёжини тўла қондириб, экспорт ҳам қилинмоқда. Шуниси эътиборлики, радиоизотоплар сифатлилиги жиҳатидан Европа мамлакатлари ва АҚШда ҳам харидоргир маҳсулот бўлиб қолмоқда.

– Мамлакатимизнинг ноёб табиий бойликлари, айниқса экологик мусаффо қуёш энергиясидан фойдаланиш борасидаги имкониятлари катта. Олимларимиз бу имкониятдан самарали фойдаланиш борасида қандай илмий изланишларни амалга оширмоқдалар?

– Тўғри, юртимиз иқлим шароитида ҳар йили бир квадрат метр ер сатҳига бир миллион етти юз минг киловатт-соат миқдорида қуёш энергияси тушади. Бу экологик тоза энергиядан халқ хўжалигининг турли жабҳаларида фойдаланиш имконини беради. Республикамизда бундан кенг миқёсда фойдаланишга тайёр бир қанча соҳалар бор. Аҳолини иссиқ сув билан таъминлаш тизимига сарф қилинаётган энергияни тежашга мўлжалланган қуёш қурилмалари тонналаб сарфланаётган органик ёқилғини тежайди, атроф-муҳитга етказилаётган зарар камаяди.

Фанлар Академиясининг «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси селектив қопламалар ва қуёш иссиқлик қурилмалари лабораториясида бундай вазифалар ечимини топишга хизмат қиладиган ноанъанавий, қайта тикланувчан ва экологик тоза қуёш энергиясидан иссиқлик манбаи сифатида фойдаланувчи қурилмалар мажмуаси яратилди.

Қуёш энергиясидан амалда фойдаланишнинг яна бир муҳим йўналиши – уни фотоэлектрик батареялар ёрдамида электр энергиясига айлантириш ва марказлашган электр тармоқлари етиб бормаган жойлардаги истеъмолчиларни таъминлашдир.

Табиийки, марказий электр тармоқларидан узоқда жойлашган кам қувватли энергия талаб қилувчи истеъмолчиларни анъанавий усулда электр энергияси билан таъминлаш иқтисодий жиҳатдан мураккаб жараён. Илмий изланишлар натижасида яратилган янги қурилма бундай муаммони бартараф этишда жуда қўл келади. Ҳозир республикамизнинг тоғолди ва чўл ҳудудларида шундай қурилмалардан бир нечтаси ишлаб турибди.

Илм-фан тараққиётини янада юксалтириш мақсадида Фанлар Академияси тизимида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги илмий-тадқиқот марказлари ташкил этиляпти. Ҳозир Ядро физикаси институти, Иссиқлик физикаси бўлими ва «Академасбоб» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмасида ана шундай марказлар ишга тушди. Келгусида яна тўртта шундай тузилма ташкил этиш режалаштирилган. Бу илмий тадқиқот ҳамда тажрибаларни тез ва сифатли синовдан ўтказиш имконини бераётир.

ЎзА мухбири Баҳор ХИДИРОВА суҳбатлашди.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

ЭҲТИЁТСИЗЛИК

нохуш оқибатларни келтириб чиқаради

Халқимиз «01» рақамли телефон хизмати нимадан иборат эканлигини яхши билади. Бирор жойда ёнғин чиқдими, каттаю кичик дарҳол шу рақамга қўнғироқ қилишга шошилади. Бу ёнғин хавфсизлиги хизмати рақами.

Лекин ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тўлиқ билиш ва унга бевосита риоя этиш бу рақамга қўнғироқ қилишга эҳтиёж туғдирмайди. Бу қоидаларга ўқиб ўрганиш, атрофдагиларга ҳам ўргатиш, айниқса, ёнғин чиқишига сабаб бўлувчи асбоб-ускуналардан фойдаланишда доимо ҳушёр ва сергак бўлиш ҳар бир фуқаронинг муҳим бурчидир. Негаки, салгина эътиборсизлик, ақлфаросат билан иш тутмаслик оқибатида содир бўлган кичик ёнғин ҳам жамият ва оила манфаатига, инсон саломатлиги ҳамда ҳаётига катта зарар етказиши мумкин.

Республика ҳамда барча вилоят ва шаҳарлар ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари корхона, ташкилот, муассаса ва аҳоли турараржойларида ёнғинлар содир бўлишига йўл қўймаслик мақсадида ёнғин хавфсизлигига оид мавзуларда мунтазам тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишларини олиб боришмоқда, жойларда кўргазмали воситалар орқали учрашувлар уюштиришмоқда. Лекин шунга қарамай айрим фуқароларнинг эътиборсизлиги ва лоқайдлиги оқибатида ёнғинлар содир бўлмоқда. Ўчирилмаган сигарет ва гугурт қолдиқлари ташлаб кетилиши, электр токи билан ишлайдиган хўжалик молларидан нотўғри фойдаланиш, ёш болаларни назоратсиз қолдириш оқибатида аянчли ҳоллар юз бермоқда.

Таъкидлаш жоизки, ёнғинларнинг кескин кўпайиш даври куз-қиш кунларига тўғри келмоқда. Булар асосан хонадонларда ишлатиладиган газли печлар, электр мосламалари ва кўп ҳолларда қўлбола асбоблардан келиб чиқмоқда.

Кўрилаётган чораларга қарамай, ёнғинларнинг келиб чиқишига асосан фуқароларимизнинг ўзлари, шунингдек корхона ва муассасалардаги масъул ходимларнинг бепарволиги сабаб бўлмоқда.

Шу йилнинг октябрь ойида Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги хонадонлардан бирида ёнғин содир бўлди. Фожиа газ мосламасининг қаровсизлиги оқибатида юз берган. Оқибатда хонадон асосий мол-мулкидан айрилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Айтайлик, чекиб ташланган сигарета қолдиғидан катта ёнғин ҳосил бўлишини айримлар тан олмасликлари мумкин. Лекин шуни билиш керакки, сигарет чўғининг энг юқори ҳарорати 300-400 даражага чиқади. Демак, ўчирилмаган сигарета қолдиғи тез алангаланадиган матолар, ёғочдан ясалган буюмлар, рандаланган пол устига тушиб қолса, ёнғинга сабаб бўлади. Шунинг учун тақиқланган жойларда чекишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Афсуски, чекишга ружу қўйганлар уйда ҳам, йўлда ҳам, ёнғин хавфи катта бўлган муассасаларда ҳам бемалол чекиб, қолдиғини тўғри келган жойларга ташлаб кетаверадилар. Натижада уйларда, корхоналарда, ҳатто, йўл четларида ёнғин чиқиш ҳоллари кўп учрамоқда.

2005 йилнинг 10 ойи мобайнида республика бўйича 11 минг 942 та ёнғин қайд этилиб, шулардан 4537 таси оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, 2025 таси болалар шўхлиги оқибатида содир бўлган. Ушбу ёнғинлардан 764 нафар фуқаро турли даражада тан жароҳати олган...

Корхона, ташкилот, муассаса раҳбарлари ва барча фуқаролар ана шундай эътиборсизликларнинг олдини олишда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларига яқиндан ёрдам беришлари керак. Токи давлат, жамият ва оилалар мулки, инсонлар ҳаёти ёнғин хавфидан ҳоли бўлсин.

Зоҳид МИРЗАҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ бўлим бошлиғи.

Нуқтаи назар

Бугунги кунда иқтисодий тадқиқотлар жараёнида инновация муаммоларига катта эътибор қаратилмоқда. Саноат корхоналаридаги технологик жараёнлар тараққиёти турли инновацияларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш билан боғлиқдир.

КОРХОНАДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ

Корхона миқёсида бошқариш объектини яхшилаш, шунингдек, иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва бошқа соҳаларда самарага эришиш мақсадида янгиликларни жорий этишнинг пировард натижаси инновация ҳисобланади. «Инновация» — бу маҳсулотлар, технологиялар, ташкилотчилик ва бошқариш шаклларининг янги турларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалда қўллашга йўналтирилган фаолият бўлиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархни пасайтириш, сотув нархини арзонлаштириш, ишлаб чиқариш қувватини ошириш, янги сотиш каналларини ўзлаштириш асосий мақсадидир.

Корхонада инновацион фаолиятни ривожлантириш мақсадида жорий этилиши муҳим бўлган иккита тамойил ҳақида қисқача тўхталамиз. Унинг бири ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш билан бирга корхона стратегиясининг муҳим йўналишларидан бири бўлган асосий фаолиятга эътиборни кучайтириш ҳисобланади. Хориж тажрибасида ушбу тамойил «Кучли соҳа»ни белгилаб олиш, яъни аутсорсинг дейилади. Аутсорсинг тушунчаси одатда фойда кўрсаткичи кичик бўлган соҳаларни қисқартириш ва уларнинг ишини ихтисослашган корхона ёки фирмалар томонидан давом эттирилиши мумкинлигини англатади.

Мамлакатимиз саноат корхоналари фаолиятида илмий тадқиқот ва изланишлар олиб бориш суръатини ошириш мақсадида қуйидаги йўналишлар бўйича давлат томонидан рағбатлантириш сиёсатини жорий этиш зарурлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бу инновацион фаолиятга йўналтирилган маҳаллий ва хориж инвестицияларини кафолатловчи ҳамда рағбатлантирувчи қонун ҳужжатларини қабул қилиш, давлат буюртмаси асосида инновацион корхоналар маҳсулотлари учун мақсадли йўналтирилган бозор муҳитини ташкил этиш, инновацион корхоналарга ишлаб чиқариш майдонлари ажратиш ва имтиёзли инвестицион ёрдам билан таъминлаш фаолиятида ҳуқуқий, молиявий, маркетинг ва бошқа хизматларни ривожлантиришга кўмак бериш, корхоналарнинг йирик ишлаб чиқариш тизимлари билан интеграциялашувини қўллаб-қувватлаш лозим.

Шуҳрат ЮСУФБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби тингловчиси.

Биз ва жаҳон

Тадбиркор аёллар анжумани

Ҳиндистон пойтахтида "XXI аср иқтисодиётининг етакчи аёллари" мавзуига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз тадбиркор аёллари делегацияси ҳам иштирок этди.

Ушбу анъанавий анжуман Ҳиндистон тадбиркор аёллари консорциуми томонидан ҳар йили ташкил этилади. Ўтган йилги конференция чоғида Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси мазкур консорциум аъзолигига қабул қилинган эди.

Мамлакатимиз вакиллари Деҳлидаги Прагати майдонида ташкил этилган халқаро учрашув-ярмаркасида ҳам фаол қатнашдилар. Унда республикамизнинг турли вилоятларида фаолият кўрсатаётган қатор кичик корхоналарда ишлаб чиқарилган тўқимачилик, ҳунармандчилик маҳсулотлари, халқ амалий санъати намуналари муваффақият билан намойиш этилди.

Садриддин СУЯРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири.

Элчихонада ITEC куни

Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонасида Ҳиндистон техникавий-иқтисодий ҳамкорлик (ITEC) дастури кунига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Унда турли йўналишлар бўйича ушбу мамлакатда таълим олган ва малака ошириб қайтган ҳамюртларимиз иштирок этдилар.

Маросимда Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Сканд Раджан Тайал ITEC кунини нишонлаш яхши анъанага айланиб қолгани ҳақида сўзлар экан, ушбу дастур Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорликнинг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланишини алоҳида таъкидлади. «ITEC йўлланмаси билан Ҳиндистонда бўлиб қайтган ўзбекистонлик мутахассислар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ришталарининг мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшиб келмоқда», деди элчи.

Бобур СОБИРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири.

Нишондорларимиз

«ЎТАЁТГАН ЙИЛ ВОҚЕАЛАРГА БОЙ БЎЛДИ»...

дейди Ўзбекистон Республикаси «Маънавият ва маърифат» маркази Оҳангарон туман бўлими раҳбари Нигора Йўлдошева

— 2005 йил мен учун унутилмас воқеаларга бой бўлди, — дейди суҳбатдошимиз. — Қирқ ёшимда давлатимиз мукофоти — «Шуҳрат» медалига муносиб деб топишгани, мунис онагинамнинг қувонч ёшларию бир умрлик айрилиқ изтироблари... Бутун ҳаётини фарзандларига, олти қиз, икки ўғилни боқиб, вояга етказиш, эл-юрт хизматига камарбаста инсонлар этиб тарбиялашга бағишлаган оддий, камтарин инсонлар — отам ва онамнинг эзгу орзулари рўёби қалбимга таскин беради.

— Эл ҳурматига сазовор бўлиш осон эмас, — дердилар онажоним. — Инсонни инсон қиладиган ҳам унинг ҳалол меҳнати, эзгу амалларидир...

Ҳа, маънавият ва маърифат инсон зийнати, деб билган ота-она тарбияси Нигоранинг ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Билимга чанқоқлиги, тиришқоқлиги боис мактабни олтин медал билан битириб, Жаҳон тиллари университетида ўқиди. Қадрдон маскани — 12-мактабда ўқувчиларга сабоқ бера бошлади.

Ўқитувчилик касбига бўлган меҳри, тинимсиз меҳнат, ўз устида жиддий ишлаш баробарида кўпчиликнинг эътиборига тушиб, туман халқ таълими бўлимида услубчи, вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича васийлик ва ҳомийлик идорасида назоратчи, туман хотин-қизлар кўмитасида бош мутахассис вазифаларида ихлос билан, сабр-тоқат, қаноат билан ишлади. Туман ҳокимлигида маънавият ва маърифат бўлимини бошқариш масъулияти Нигора Йўлдошеванинг ҳаётида кескин бурилиш ясади.

— Боланинг маънавий-ахлоқий дунёси аввало оилада, қолаверса, ўқув-таълим муассасаларида, асосан мактабларда шаклланади, — дейди Нигорахон. — Тарбия мактаб ёшидаги ўқувчиларга Ватан туйғусини, ота-она, устоз, опа-акаларига ҳурмат, ўзидан кичикларга меҳр-оқибат кўрсатиш кўникмаларини сингдиришдан бошланади. Бу борада жойлардаги маънавият ва маърифат ўчоғи ҳисобланган кутубхоналар, уларнинг мутасаддилари билан биргаликда ўтказиладиган турли тадбирлар, суҳбатлар, адабий кечалар муҳим аҳамиятга эга. Тумандаги деярли барча мактабларда уруш ва меҳнат фахрийлари, эл-юрт ардоғидаги кекса онахон ва отахонлар билан ўтказилаётган ибратли учрашувлар, чегара қўшинларида хизмат қилаётган аскарлар ҳаёти билан танишиш асосида «Мардлар қўриқлайди Ватанни», «Ватанга қувватдир йигитнинг зўри», «Она-Ватан ўғлонлари», «Ватан — юрагдаги жавоҳир» мавзуларидаги суҳбатларда ёшлар, мактаб ўқувчилари катта қизиқиш билан иштирок этаётганлиги кишини қувонтиради.

— Шу ўринда бир савол. Маънавият ва маърифат бўлими айнан ҳозирги кунда қайси масалага жиддий эътибор бериши лозим, деб ўйлайсиз?

— Жамият тараққиёти халқимизнинг нечоғли маънавият ва маърифат эгаси эканлигига боғлиқ. Эсласангиз, халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида давлатимиз раҳбари бугун биз бошимиздан кечираётган мураккаб даврнинг ўзи юртимиз истиқболини кўзлаб, унинг бугунги ва эртанги тараққиёти учун сидқидилдан меҳнат қилиш, ёниб яшаш лозимлигини тақозо этаётганини яна бир бор куюнчаклик билан таъкидлади. Фақат баркамол, ориятли, маънавий етук инсонларгина шундай яшаб, меҳнат қила оладилар. Бунинг учун тарбия, айниқса, маънавий тарбия ниҳоятда изчил, мақсадли олиб борилиши лозим. Бугун ўз ҳаётини муносиб даражада йўлга қўйиш учун инсондан кўп нарсалар талаб қилинади. Қонунларни билиши, махсус билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак. Демак, ҳар бир масалада хабардорлик, огоҳлик — давр талаби, тараққиёт мезони деб ўйлайман.

— Юксак мукофот ҳақидаги хушхабарни эшитиб, кўнглингиздан ўтган кечинмаларингиз ҳақида нима деган бўлар эдингиз?

— Ҳозиргина айтганимдек, бу мен учун кутилмаган воқеа бўлди. Аслида ўз севган иши, машғулоти билан шуғулланишдан ортиқ бахт бўлмаса керак? Менинг камтарин меҳнатим шунчалик эътиборга олинибди, бундан бениҳоя хурсандман. Туманимиздаги маънавият ва маърифат ишларини янада жонлантириш, бу йўлда бор имконият ва қобилиятимни ишга солиб, халқим учун фидокорона меҳнат қилишни муқаддас бурчим деб биламан.

«Тошкент ҳақиқати» мухбири Сайёра РИҲСИЕВА суҳбатлашди.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 28

ЎЗБЕКИСТОН 1ТВ

16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Ахборот».
17.15 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.30 «Равнақ« студияси намойиш этади.
17.45 «Олтин мерос».
17.50 «Биржа ва банк хабарлари».
18.05 «Китоб». Премьера.
18.20 «Ошин». Т/с.
18.55 «Аъло ўйинчи». Телелотерея.
19.15 «Оқшом наволари» (SMS. Овоз бериш)
19.25 «Ўзлото» кундалиги ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
20.10 «Чолиқуши». Т/с. 1-қисм.

ЁШЛАР (YOSHLAR Telekanali)

11.55 Дастурнинг очилиши.
12.00 «Давр» ҳафта ичида.
12.35 Катта танаффус.
13.00 Менимча.
13.05 «Энг жозибали, энг латофатли». Б/ф.
14.25 «Кино SMS» танлови.
14.30 Ҳайитмат Расул. «Боши қотган ошиқлар». Ўзбек Давлат Миллий академик драма театрининг спектакли.
15.45 Жаҳон жўғрофияси.
16.00 Давр.
16.15 Мафтунингман, диёрим!
16.25 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни олдидан «Юртим шукуҳи».
16.55 «А»дан «Ng» гача.
17.05 Менимча.
17.10 Ёшлар овози.
17.25 Чемпион сирлари (рус тилида)
17.45 ТВ - адвокат.
17.55 Қишлоқ шифокори.
18.10 «Ёшлар» телеканалининг фототанлови.
18.15 Мусиқий лаҳза.
18.20 «Қуёшли тош». Б/ф.
18.45 Менимча.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 «Кино SMS» танлови.
19.45 Сўз беринг.
20.15 Мусиқий лаҳзалар.
20.25 Ҳамкор – 2005.
20.40 UzEX хабарлари.
20.50 Эълонлар.
21.00 «Шубҳа». Т/с.
21.45 «Кино SMS» танлови.
21.50 Мусиқий лаҳза.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 UzEX хабарлари (рус тилида)
22.45 Интерфутбол.

ТОШКЕНТ tTv

18.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 «Пойтахт»
18.50 «Мульткарусель»
19.00 «Экспресс»
19.15 «Телекурьер маркет».
19.20 «Мультчарҳпалак».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт» .
20.20 «Морена Клара».
21.00 «Экспресс»
21.15 «Телекурьер маркает».
21.20 «Пойтахт плюс».
21.45 Б/ф 1. «Севимли Рожа». 2. «Ошкора қотиллик қиссаси». 3. «Оқшом чоғи арши аълода».

СПОРТ (SPORT TV)

7.30 «Талқин».
8.00 «Бодрое утро».
9.00 «Версия».
9.30 «Хозяйка судьбы». Т/с.
10.10 -11.10 Кураш. Жаҳон чемпионати.
18.00 Мультфильм.
18.15 «Соғлом авлод».
18.30 «Хабарлар» (Рус тилида)
18.50 «Жди меня».
20.00 «Вести».
20.30 «Спортимиз маликалари».
20.45 «Футбол плюс».
21.25 «Спорт-антракт».
21.30 «Хабарлар».
21.50 Кураш. Жаҳон чемпионати.

СЕШАНБА 29

ЎЗБЕКИСТОН 1ТВ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.45 «Мовий уммон қаърида». Ҳужжатли Т/с.
9.35 «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
10.10 «Чолиқуши». Т/с. 1-қисм.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Севишганлар». Б/ф. 1-қисм.
12.05 Бутун жаҳон ОИТСга қарши кураш куни олдидан. «Уларнинг дарди бизнинг ҳам дардимиз».
12.35 «Олтин мерос».
12.45 «Сарой жавоҳири». Т/с.
13.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
14.00 «Ахборот».
14.20 «Бобур». Видеофильм. 17-қисм.
15.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
15.15 «Кўҳна замин оҳанглари».
15.35 1. «Қувноқ стартлар». 2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
16.30 «Бевосита мулоқот».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Фарз ва қарз».
17.35 «Олтин мерос».
17.40 «Ақл ва идрок».
18.00 «Оқшом наволари» (SMS. Овоз бериш)
18.10 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни олдидан. «Ҳаётимиз қомуси».
18.25 «MAGGI» ® Олтин ошхона.
18.50 «Ошин». Т/с.
19.25 «Ўзлото» кундалиги ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Севишганлар». Б/ф 2-қисм.
21.00 «Ахборот».
21.35 «Олтин мерос».
21.40 «Одамлардан бири».
22.00 «Сарой жавоҳири». Т/с.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)

ЁШЛАР (YOSHLAR Telekanali)

15.55 Дастурнинг очилиши.
16.00 Давр.
16.15 Тараққиёт сари.
16.35 Менимча.
16.40 «Қуёшли тош». Б/ф.
17.10 «Ёшлар» телеканалининг фототанлови.
17.15 Эврика.
17.25 Янги алифбони ўрганамиз.
17.40 «Меҳр кўзда». Мактубларга шарҳ.
18.00 ТВ - адвокат.
18.05 Ёшлар овози.
18.20 «Қуёшли тош». Б/ф.
18.45 Менимча.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 «Кино SMS « танлови.
19.45 Қизил ҳудуд.
20.00 «JOKER» телелотереяси.
20.10 Дийдор.
20.30 Автопатрул.
20.50 Эълонлар.
21.00 «Шубҳа». Т/с.
21.50 Мусиқий лаҳза.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 «Кино SMS» танлови.
22.40 «Эсмеральда». Т/с.

ТОШКЕНТ tTv

18.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 «Пойтахт»
18.50 «Ҳимоя».
19.10 «Экспресс»
19.25 «Телекурьер маркет».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт» .
20.20 «Морена Клара».
21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллиги олдидан «Истиқлолимиз қомуси».
21.15 «Экспресс»
21.30 «Телекурьер маркет».
21.35 «Моҳир».
22.10 Б/ф «Тоабад сен билан».

СПОРТ (SPORT TV)

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар»
9.10 «Хозяйка судьбы». Т/с.
9.50-10.50 Кураш. Жаҳон чемпионати.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Спорт – менинг ҳаётим».
18.30 «Хабарлар» (Рус тилида)
18.50 «Кикбоксинг салтанати».
19.15 «В поисках приключений».
20.00 «Вести».
20.30 Спорт гимнастикаси. Жаҳон чемпионати.
21.10 «Футбол шарҳи».
21.30 «Хабарлар».
21.50 «Спорт-антракт».
22.00 «Еврофутбол».

ЧОРШАНБА 30

ЎЗБЕКИСТОН 1ТВ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Олтин мерос».
8.40 «Мовий уммон қаърида». Ҳужжатли Т/с.
9.30 «MAGGI» ® Олтин ошхона.
9.55 «Шумтакалар». Мультсериал.
10.10 «Чолиқуши». Т/с. 2-қисм.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Севишганлар». Б/ф. 2-қисм.
12.05 Ватан ҳақида қўшиқлар.
12.15 «Дўстлик» тележурнали: «Ягона оилада».
12.45 «Сарой жавоҳири». Т/с.
13.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
14.00 «Ахборот».
14.20 «Бобур». Видеофильм. 18-қисм.
14.55 «Айтишув».
15.50 1. «Болалар дунёси». 2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
16.30 «Жавоҳир».
16.35 «Саломатлик дастури».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Олтин мерос».
17.15 «Имконият».
17.35 «Бир асар тарихи».
18.00 «Оқшом наволари» (SMS. Овоз бериш)
18.15 «Эркин иқтисодиёт».
18.40 «Ошин». Т/с.
19.15 «Ўзлото». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Севишганлар». Б/ф. 3-қисм.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Эркин мавзу».
22.00 «Сарой жавоҳири». Т/с.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 «Чолиқуши». Т/с. 3-қисм.

ЁШЛАР (YOSHLAR Telekanali)

6.25 Дастурнинг очилиши.
6.30 «Мунаввар тонг».
7.30 Даврнинг боласи.
7.40 Эврика.
7.50 Расмлар сўзлаганда.
7.55 Менимча.
8.05 «Эсмеральда». Т/с.
8.35 «Ёшлар» телеканалининг фототанлови.
8.40 Жаҳон жўғрофияси.
8.55 Иқлим.
9.00 Давр.
9.15 «Кино SMS» танлови.
9.20 «Қуёшли тош». Б/ф.
9.45 Чемпион сирлари.
10.05 «Кино SMS» танлови.
10.10 «Шубҳа». Т/с.
11.00 - 11.15 Давр.
16.00 Давр.
16.15 Мафтунингман, диёрим!
16.25 Шоҳсупа.
16.45 Бешбармоқ.
17.10 Даврнинг боласи.
17.20 Автопатрул.
17.40 ТВ - дорихона.
17.50 «Кино SMS» танлови.
17.55 Ёшлар овози.
18.10 «Қуёшли тош». Б/ф.
18.35 Менимча.
18.40 Каталог.
18.50 Мафтунингман, диёрим!.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 «Очил дастурхон» ҳангомалари.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Ракурс.
20.30 Мусиқий лаҳза.
20.35 Давр мавзуси.
20.50 Эълонлар.
21.00 «Шубҳа». Т/с.
21.45 «Кино SMS» танлови.
21.50 Мусиқий лаҳза.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 «Эсмеральда». Т/с.
23.05 Ринг қироллари.

ТОШКЕНТ tTv

18.30 «Пойтахт»
18.50 «Сухбатдош».
19.10 «Экспресс»
19.25 «Телекурьер маркет».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт» .
20.20 «Морена Клара».
21.00 «Экспресс»
21.15 «Телекурьер маркет».
21.20 «Тасанно».
21.45 «Ҳамшаҳарлар».
22.05 Б/ф «Занжир».

СПОРТ (SPORT TV)

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (Рус тилида)
9.10 «Хозяйка судьбы». Т/с.
9.50-10.10 «Спорт масканларида».
18.00 «Шоҳруҳ клуби».
18.15 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (Рус тилида)
18.50 «Портреты эпохи». М. Плисецкая.
19.35 «Идолы». П. Карден.
20.00 «Вести».
20.30 Спорт гимнастикаси. Жаҳон чемпионати.
21.15 «Майдон ортидаги одам».
21.30 «Хабарлар».
21.50 «Спорт-антракт».
22.00 «Еврофутбол».

ПАЙШАНБА 1

ЎЗБЕКИСТОН 1ТВ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.45 «Мовий уммон қаърида». Ҳужжатли фильм.
9.35 «Шумтакалар». Мультсериал.
9.50 «Саломатлик дастури».
10.15 «Чолиқуши». Т/с. 3-қисм.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Севишганлар». Б/ф. 3-қисм.
12.05 1.»Дурдаршан». 2.»Парле ву франсэ?»
12.45 «Сарой жавоҳири». Т/с.
13.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
14.00 «Ахборот».
14.20 «Бобур». Видеофильм. 19-қисм.
15.00 «Ахборот»
15.15 «Илк туйғу». Б/ф.
16.00 «Остонадаги орзулар».
16.15 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
16.45 «Юксалиш».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Стандарт ва сифат».
17.25 «Олтин мерос».
17.35 «Ҳаётга тажовуз».
17.55 «Зийнат».
18.15 «Оқшом наволари» (SMS. Овоз бериш)
18.25 «Яхши ният».
18.50 «Ошин». Т/с.
19.25 «Ўзлото» кундалиги ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55, 20.55, 21.30 ЭЪЛОНЛАР.
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Севишганлар». Б/ф 4-қисм.
21.00 «Ахборот».
21.35 «Олтин мерос».
21.40 «Дастур: ижро ва масъулият».
22.00 «Сарой жавоҳири». Т/с.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 «Чолиқуши». Т/с. 4-қисм.

ЁШЛАР (YOSHLAR Telekanali)

6.30 «Мунаввар тонг».
8.00 Даврнинг боласи.
8.15 «Эсмеральда». Т/с.
8.45 Жаҳон жўғрофияси.
8.55 Иқлим.
9.00 Давр.
9.15 «Қуёшли тош». Б/ф.
9.40 ТВ - дорихона.
9.50 Давр мавзуси.
10.05 «Шубҳа». Т/с.
10.55 Мафтунингман, диёрим!
11.00 - 11.15 Давр.
16.00 Давр.
16.15 Мафтунингман, диёрим!
16.20 «Даллас». Т/с.
17.00 Ракурс.
17.20 Китоб жавони.
17.30 Даврнинг боласи.
17.40 Менимча.
17.45 Ёшлар овози.
18.00 ТВ - адвокат.
18.05 Олов билан юзма-юз.
18.20 «Қуёшли тош». Б/ф.
18.45 Менимча.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 «Ёшлар» телеканалининг фототанлови.
19.45 «Оила тилсими» туркумидан: Германиянинг Ўзбекистондаги элчиси.
20.10 Мусиқий лаҳзалар.
20.20 Давр репортаж.
20.30 Ҳамкор – 2005.
20.45 «Кино SMS» танлови.
20.50 Эълонлар.
21.00 «Шубҳа». Т/с.
21.45 Мусиқий лаҳза.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 «Эсмеральда». Т/с.

ТОШКЕНТ tTv

18.30 «Пойтахт»
18.50 «Имконият».
19.10 «Экспресс»
19.25 «Телекурьер маркет».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт» .
20.20 «Морена Клара».
21.00 «Экспресс»
21.15 «Телекурьер маркет».
21.20 «Аёл қалби».
21.40 «Саодат калити».
22.10 Б/ф «Афоня».
23.30 «Тунчироқ».

СПОРТ (SPORT TV)

18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (Рус тилида)
18.50 «Смешные люди».
20.00 «Вести».
20.30 «Кучли бешлик».
21.15 «Спорт – менинг ҳаётим».
21.30 «Хабарлар».
21.50 «Спорт-антракт».
22.00 «Еврофутбол».

ЖУМА 2

ЎЗБЕКИСТОН 1ТВ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Япония турмуш тарзи». Ҳужжатли сериал.
9.15 «Шумтакалар». Мультсериал.
9.50 «Зийнат».
10.10 «Чолиқуши». Т/с. 4-қисм.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Севишганлар». Б/ф. 4-қисм.
12.10 1.»Чинсен». 2.»Бизнен мирас».
12.40 «Сарой жавоҳири». Т/с.
13.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
14.00 «Ахборот».
14.20 «Бобур». Видеофильм. 20-қисм.
15.10 «Жавоҳир».
15.15 «Келин-куёв». Телетомоша.
16.05 1. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Бизнес янгиликлари».
17.20 «Олтин мерос».
17.25 «Ҳаёт ва қонун».
17.40 «Рангин дунё».
18.00 «Эркин иқтисодиёт».
18.20 «Оқшом наволари» (SMS. Овоз бериш)
18.30 «Ҳидоят сари».
18.50 «Ошин». Т/с.
19.25 «Ўзлото» кундалиги ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Севишганлар». Б/ф 5-қисм.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.35 «Олтин мерос».
21.40 «Қишлоқ ҳаёти».
22.00 «Сарой жавоҳири». Т/с.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 «Чолиқуши». Т/с. 5-қисм.

ЁШЛАР (YOSHLAR Telekanali)

6.30 «Мунаввар тонг».
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 Китоб жавони.
8.20 «Эсмеральда». Т/с.
8.50 Менимча.
8.55 Иқлим.
9.00 Давр.
9.20 «Қуёшли тош». Б/ф.
9.45 Олов билан юзма-юз.
10.00 «Ёшлар» телеканалининг фототанлови.
10.05 «Кино SMS» танлови.
10.10 «Шубҳа». Т/с.
11.00 - 11.15 Давр.
16.00 Давр.
16.15 Мафтунингман, диёрим!
16.25 «Даллас». Т/с.
17.10 У ким? Бу нима?.
17.30 Даврнинг боласи.
17.40 Кўли гул уста.
17.55 ТВ - адвокат.
18.00 Қишлоқдаги тенгдошим.
18.15 «Кино SMS» танлови.
18.20 «Қуёшли тош». Б/ф
18.45 Менимча.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Меъёр – соғлиқ гарови.
20.00 Спорт - лото.
20.10 Азизим.
20.50 Эълонлар.
21.00 «Шубҳа». Т/с.
21.40 «Кино SMS» танлови.
21.50 Мусиқий лаҳза.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 «Эсмеральда». Т/с.
23.05 Интерфутбол.

ТОШКЕНТ tTv

18.30 «Пойтахт»
18.50 «Тиббиёт сизнинг хизматингизда».
19.10 «Экспресс»
19.25 «Телекурьер маркет».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт» .
20.20 «Морена Клара».
21.00 «Экспресс»
21.15 «Телекурьер маркет».
21.20 «Дорихона эшитади». Бевосита мулоқот.
22.10 Б/ф «Бошсиз чавандоз».

СПОРТ (SPORT TV)

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (Рус тилида)
9.10 «Хозяйка судьбы». Т/с.
10.30 «Студия «Равнак» представляет.
10.45 Волейбол. Суперлига.
11.15-11.35 Касаба уюшмалари спартакиадаси.
18.00 Мультфильм.
18.10 «Дадиллик учун соврин».
18.30 «Хабарлар» (Рус тилида)
18.50 «Поле чудес».
20.00 «Вести».
20.30 «Заҳирадаги спортчи».
20.50 «Спорт клуб». Ринг.
21.20 «Спорт-антракт».
21.30 «Хабарлар».
21.50 «Ўзбекистон ифтихори».
22.10 Хоккей NXL.

ШАНБА 3

ЎЗБЕКИСТОН 1ТВ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.50 «Япония турмуш тарзи». Ҳужжатли сериал.
9.15 «Олтин тож».
9.55 «Омон бўлинг!»
10.00 «Чолиқуши». Т/с. 5-қисм.
10.40 «Оналар мактаби».
11.05 «Севишганлар». Б/ф. 5-қисм.
11.45 «Қалпоқ». Ҳажвий кўрсатув.
12.15 1.«Рангинкамон». 2.«Дидар».
12.45 «Сарой жавоҳири». Т/с.
13.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат»
14.00 «Ахборот».
14.20 «Оҳанграбо».
15.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
15.10 «Йиллар армони».
15.55 «Қорақалпоқнома».
16.15 Халқаро ногиронлар кунига. «Мурувват».
16.50 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.05 «Интеллектуал ринг».
17.45 «Саломатлик сирлари».
18.05 «Оқшом наволари»
18.15 «MAGGI» ® Олтин ошхона.
18.40 «Ошин». Т/с.
19.15 «Ўзлото». Телелотерея.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Меҳр кўзда».
20.55 «Минг бир ривоят».
21.00 «Ахборот».
21.40 Гулзода Ҳудойназарова куйлайди.
22.00 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.10 «Чолиқуши». Т/с. 6-қисм.

ЁШЛАР (YOSHLAR Telekanali)

6.30 «Мунаввар тонг».
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 «Олтин тақа». М/ф.
8.20 Расмлар сўзлаганда.
8.25 «Эсмеральда». Т/с.
8.55 Иқлим.
9.00 Давр.
9.20 «Қуёшли тош». Б/ф.
9.45 Қишлоқдаги тенгдошим.
10.00 «Кино SMS» танлови.
10.05 «Шубҳа». Т/с.
10.50 Мусиқий лаҳза.
10.55 Менимча.
11.00 Давр.
11.15 Ватанпарвар.
12.15 Бола тилидан.
12. 45 Жаҳон жўғрофияси.
12.55 «Кино SMS» танлови.
13.05 «Маслаҳат».
13.40 Менимча.
13.45 Мусиқий лаҳза.
13.50 «Ҳақиқат». Т/с.
14.40 Оила тилсими.
15.05 Интерфутбол.
16.00 Давр.
16.15 Мафтунингман, диёрим!
16.20 Интерфутбол.
17.10 «Кино SMS» танлови.
17.20 Меҳр - мурувватли бўлайлик.
17.25 Даврнинг боласи.
17.35 «Бу менинг Ватаним».
17.55 Мусиқий лаҳзалар.
18.10 Меҳр - мурувватли бўлайлик.
18.15 «Кино SMS» танлови.
18.20 Ишдан кейин.
18.40 Каталог.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.40 Кутилмаган меҳмон.
20.05 Мусиқий лаҳза.
20.10 Ҳандалак. «Ўргутлик афандилар».
20.50 Эълонлар.
21.00 «Ҳақиқат». Т/с.
21.50 Мусиқий лаҳза.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.40 «Таманно» 1-қисм.
23.20 «Галатепалик авлиё».
23.45 Оқшом қўнғироқлари.

ТОШКЕНТ tTv

«Тошкент» телеканали ижодкорлари «8.00-13.00»гача деб номланган кўнгил очар информацион мусиқий кўрсатувлар дастурини эфирга узатади.
18.30 Болажонлар экрани.
18.55 «Шунақа гаплар».
19.15 CFI- тақдим этади: «Ёввойи ҳайвон болалари» 13-қисм.
19.40 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.10 «Авто-леди».
20.25 «Экспресс»
20.40 «Телекурьер маркет».
20.45 «Аёллар салтанати».
21.05 «Экспресс»
21.20 Телекурьер маркет.
21.25 Б/ф «Қариндош».

СПОРТ (SPORT TV)

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар»
9.10 «Спортивный английский».
9.20 «Снукер».
10.00 «Три окна».
10.50 «А. Миронов и его женщины».
12.00-12.20 Касаба уюшмалари спартакиадаси.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Спорт клуб».
18.30 «Хабарлар»
18.50 «Тема дня».
19.10 «Три любви Л. Орловой». Док. фильм.
20.00 «Вести».
20.15 «Стать ближе».
20.55 «Нокаут». Бокс.
21.25 «Спорт-антракт».
21.30 «Хабарлар».
21.50 «Халқ ўйинлари».
22.10 «Еврофутбол». Манчестер Ю. – Портсмут.

ЯКШАНБА 4

ЎЗБЕКИСТОН 1ТВ

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Олтин мерос».
8.45 «Камалак» экрани: «Дарсдан сўнг...»
9.35 «MAGGI» ® Олтин ошхона.
10.00 «Ватанпарвар».
11.00 «Саломатлик сирлари».
11.25 «Чолиқуши». Т/с. 6-қисм.
12.15 «Жиддий ўйин».
13.00 Ватан ҳақида қўшиқлар.
13.15 «Одамлардан бири».
13.35 «50Х50». Ток-шоу.
14.25 «Есения». Б/ф. 1-қисм.
15.35 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
15.50 «Есения». Б/ф. 2-қисм.
16.50 «Олтин тож».
17.25 «Шумтакалар». Мультсериал.
17.40 «Шахсий фикр».
18.15 «Оқшом наволари» (SMS. Овоз бериш)».
18.25 «Портретга чизгилар».
18.40 «Айтишув».
19.25, 20.00 , 20.55 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оддий ҳақиқатлар».
21.00 «Таҳлилнома».
21.40 «Оҳанграбо».
22.20 «CINEMA.UZ»
22.40 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.00 «Чолиқуши». Т/с. 7-қисм.
23.45 «Тунги оҳанглар».

ЁШЛАР (YOSHLAR Telekanali)

6.25 Дастурнинг очилиши.
6.30 «Мунаввар тонг».
8.00 «Бу менинг Ватаним».
8.20 Қушиқнинг туғилиши.
8.50 «Кино SMS» танлови.
8.55 Иқлим.
9.00 Давр.
9.20 «Очил дастурхон» ҳангомалари.
9.40 «Кино SMS» танлови.
9.45 «Мудҳиш хато». Б/ф.
11.15 «Қилни қирқ ёриб». Интеллектуал ўйин.
12.10 «Сирли шарча». Б/ф.
13.15 Азизим.
13.50 «Кино SMS» танлови.
13.55 «Ҳақиқат». Т/с.
14.45 Ҳандалак. «Ўргутлик афандилар».
15.30 Давр спорт.
15.45 Ринг қироллари.
16.35 Маҳорат майдони.
17.00 «Антиқа томоша». Илмий - оммабоп фильм 6-қисм.
17.25 Ўй вазифаси.
17.45 Сув – ҳаёт манбаи.
17.50 Чемпион сирлари.
18.10 «Таманно» 1-қисм.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55 Иқлим.
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.35 Мусиқий лаҳза.
19.40 «Заковат». Интеллектуал ўйин.
20.35 *Дилшод Раҳмонов куйлайди.*
21.05 Эълонлар.
21.15 «Ҳақиқат». Т/с.
22.10 «Кино SMS» танлови якуни. Б/ф.

ТОШКЕНТ tTv

«Тошкент» телеканали ижодкорлари «8.00-13.00»гача деб номланган кўнгилочар информацион мусиқий кўрсатувлар дастурини эфирга узатади.
18.30 Болажонлар экрани.
18.50 «Экспресс»
19.05 «Телекурьер маркет».
19.10 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.40 «Экспресс»
20.00 «Пойтахт плюс».
20.20 «Туризм ҳақида».
20.30 «Ҳимоя».
20.50 «Нима учун?»
21.30 Б/ф «Валентина».

СПОРТ (SPORT TV)

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (Рус тилида)
9.10 «Полвон бўламан».
9.20 «Умницы и умники».
10.00 «Новости».
10.10 «Непутевые заметки».
11.20 «Қувноқ стартлар».
12.00 «Рақибингиз гроссмейстер».
12.40-13.10 «Соғлом оила».
18.00 «Болалар спорти».
18.20 Мультфильм.
18.30 «Версия».
19.00 «Спорт уик-энд».
20.00 «Вести недели».
21.00 «Тайм-аут».
21.25 «Спорт - антракт».
21.30 «Талқин».
22.00 «Еврофутбол».

ДИҚҚАТ, ГАЗ!

Тошкент вилоятининг газ хўжаликлари 2005 йилнинг 15 ноябридан 15 декабригача давом этадиган республика «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»да фаол иштирок этади.

Уй-жойларда ва коммунал маиший объектларда газ асбобларидан фойдаланишда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида қуйидагиларни эслатиб ўтамиз:

- ишлаб турган газ асбобларини қаровсиз қолдирманг;
- иситиш ва сув иситиш асбобларини ишга туширишдан олдидан дудбуронларда ҳавонинг тортилишини синчиклаб текширинг.

Шуни эсдан чиқармангки, дудбуронлар тўлиб қолса, иситиш печларини қуришда ҳосил бўлган ёриқлар ёнган газдан чиқадиган заҳарли моддаларнинг хона ичига кириши ҳамда заҳарланишга сабаб бўлиши мумкин!

- иситиш асбобларининг қизиб кетишига йўл қўйманг.

Дудбуронларнинг носозлиги, иситиш асбобларининг қизиб кетиши ёнғинга ва бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкинлигини унутманг!

- ёш болалар ва газдан фойдаланишга ўргатилмаган шахсларнинг газ асбобларидан фойдаланишларига асло йўл қўйманг;
- газ асбобларини бирлаштиришда шланглардан фойдаланманг.

Коммунал-маиший объектларнинг газ хўжалиги учун масъуллари шаҳар (туман) газ идораларида йўриқдан ўтказилиши ва ўз хўжалигига хизмат кўрсатувчи ходимлар газ асбобларидан хавфсиз фойдаланиш қоидалари бўйича ўқитилиши лозим.

ҚУЙИДАГИЛАР ҚАТЪИЯН МАН ЭТИЛАДИ:

— газ таъминоти тизимига ўзбошимчалик билан уланиш ва газ ёқиш;

— газ хўжалиги рухсатисиз ва тегишли ҳужжатлар бўлмаганида газ асбобларини қайта ўрнатиш ва қўшимча ўрнатиш;

— носоз газ ва иситиш асбобларидан, текширилмаган дудбуронлардан фойдаланиш.

Шуни эсдан чиқармангки, сизнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларингиз бахтсиз ҳодисага олиб келиши мумкин!

Газ ҳидини сезишингиз билан газ асбоблари жўмракларини дарҳол беркитинг, хонани шамоллатинг, электрёқгичлар, очиқ оловдан фойдаланманг, газ хўжалигининг авария-диспетчерлик хизматига тезда хабар беринг.

«Тошкентвилоятгаз» ҳудудий газ таъминоти корхонаси.

Компания «**Endevour LLC**» объявляет о намерении приобрести акции следующих акционерных обществ:

№	Наименование предприятия	% от УФ
1	ОАО «Тошуйжойлойиха»	15
2	ОАО «Чимбой Май»	15
3	Отель «Саёхат»	15
4	ОАО «Тансиқ-нон»	15
5	ОАО «Ташгипрогор»	15

Предложение действительно в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления.

Компания «**TALAXICO Ltd. Co**» объявляет о намерении приобрести акции следующих акционерных обществ:

№	Наименование предприятия	% от УФ
1	ОАО «Тошуйжойлойиха»	15
2	ОАО «Чимбой Май»	15
3	Отель «Саёхат»	15
4	ОАО «Тансиқ-нон»	15
5	ОАО «Ташгипрогор»	15

Предложение действительно в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления.

«Лисон ут-Тайр» фалсафий спектакль

Ўзбек миллий академик драма театрида Алишер Навоий ҳамда Фаридиддин Атторнинг «Лисон ут-Тайр» асари асосида саҳналаштирилган «Кушлар тили» номли спектаклнинг премьераси бўлиб ўтди.

Ушбу спектаклни ўзининг ноодатий услуби билан танилган Авлиёкули Хожукули саҳналаштирган бўлиб, асар инсценировкасида ўзи қатнашган ҳамда Султонмурод Олим ҳизматларидан фойдаланган. Режиссёрнинг ушбу иши тасаввуфчиликнинг қўшиқ куйлаш йўлларида, мақом ритмлари асосида театрлаштирилганлиги билан эътиборга молик.

Спектаклда аосан Ўзбек миллий академик театрининг ёш актёрлари иштирок этишган. Баъзи ёш актёрларнинг бу спектаклдаги роллари катта саҳнадаги дастлабки йирик ишлари ҳисобланади. Нодир Мирзаахмедов, Улуғбек Ҳайдаров, Аваз Қодиров, Жамшид Ҳакимжонов, Лазиз Мусаев кабиларнинг ижролари миллий театрнинг келажаги шу истеъдодлар қўлида эканлигидан далолат бериб турибди.

Мусиқашунослар ўқуви

Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Сольфеджо дарсида анъанавий мусиқа» мавзусида махсус мусиқа ўқув юртлари ўқитувчилари учун минтақавий семинар бўлиб ўтди.

Ушбу лойиҳа «Оға Хоннинг Марказий Осиёда мусиқа ижодиёти соҳасидаги ташаббуси» (AKMICA) гранди бўйича амалга оширилмоқда.

Минтақавий семинарда Марказий Осиё давлатлари бўлмиш Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Ўзбекистондан вакиллар иштирок этиши кўзда тутилган. Семинар давомида сольфеджо ўқитиш услубиёти каби бир қатор жиддий масалалар бўйича маърузалар тингланди, давра суҳбатлари ўтказилди. Семинар меҳмонлари Ўзбекистон Давлат консерваторияси билан таништирилиб, унинг меросидан баҳраманд этилди, консерватория ҳузуридаги иқтидорли болалар академик лицейида очиқ дарс ўтказилди.

Китоб жавонингизга

Зангиота тумани «Истиқбол» газетаси муҳаррири Абдусаттор Ҳотамовнинг бадиий ижодда ҳам ўз изи бор. Унинг дастлабки ҳикоялари 1960 йилларнинг бошларида матбуот юзини кўрди. Шундан буён «Эзгуликнинг туғилиши», «Томошабинсиз дунё», «Эркин қуш», «Сехрли кўзойнак» каби тўпламлари чоп этилди.

Куни кеча «Янги аср авлоди» нашриёти томонидан Абдусаттор Ҳотамовнинг «Эрка қизнинг қисмати» номли китоби чоп этилди. Мазкур китобга ёзувчининг турли йилларда ёзган қисса ва ҳикоялари киритилган. Қалин муқовага жамланган бу китобга Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоиров сўзбоши ёзган.

Муаллифни янги китоб билан қутлаб, унга кирган ҳикоялардан бирини сизга ҳам илиндик, азиз газетхон!

РАҚС

Э, ука, туман газетаси нонини ейиш осонмас. Газета кичкина бўлгани билан иши кўп оғир. Ёзганингни тегирмон тошидек ҳазм қилиб тургандан кейин оёғингни қўлингга олиб югуришинг керак. Бу ёқда ҳар ҳафтада навбатчилик. Ёшинг элликдан ошгандан кейин бирон хўжаликка бориб келишнинг ўзи бўлмас экан. Йў-ў-ўқ, сиз мени тўғри тушунинг. Тагимда машина бўлса, бу гапни сира айтмасдим-а. Дейлик, бирор жойга бормоқчисан. Кўчага чиқиб дуч келган машинага қўл кўтариб тураверасан. Иссиқ бўлса, сўхтанг чиқади, совуқ бўлса, суягинг қақшайди.

Бу гал ҳам шунақа бўлди. Саратонда ҳалқа йўлда чанг ютиб, лой туфлаб турган пайтимда бир қизил «Жигули» нари ўтиб, тўхтади. Дўппимни қўлимга олиб, кетидан югурдим. Энгашиб олд ойнасидан қарасам, Хайрулла! Туман маданият бўлими мудири. Қаёққа кетаяпсиз, деб сўради. Айтдим. Хайрулла олд эшикни очди: «Ўтиринг, мен ҳам ўша ёққа».

Сиздаям шунақа бўлгандир: кайфиятингиз яхши пайтда дунё кўзингизга сулув қиздек кўринади. Мен ҳам шундай кайфиятда эдим. Нега десангиз, йўл азобидан қутилиб тургандим-да.

Маданият уйининг шақилдоқ эшигини очиб, ичкари кирдик. «Мунажот»ми, «Тановар»ми, ҳар ҳолда жудаям ҳазин бир куй эшитилди. Саҳнада эса кенг, қора кўйлакда бир аёл рақсга тушарди. Орқасини ўгирганича ўйнаётгани учун юзи кўринмас, тўпиғини ўпган сочи хипча гавдасига монанд чайқаларди. Унинг ҳаракати ҳаракат эмас, сеҳрли имо-ишора эди.

Мен-ку, майли, бир мухбир одам. Хайрулла-чи, санъаткор, у ҳам остонада қотиб қолганди, ҳайратдан бошини сарак-сарак қиларди.

Бир фурсат ўтиб, залга қарадик. Ун-ўн беш чоғли қизчалар бизга орқа ўтириб, саҳнага термулганча, дутор чалишарди.

Биз яқин бордик, буни рақҳоса сездими, ё ўзи тўхтадими, бирдан залга ўгирилиб қаради. Э, ука, мен шу пайтда тамом бўлдим. Ичимда бир нарса узилиб кетди. Тизларим қалтираб, тақир ўриндиққа ўтириб қолдим. Нозик қомат раққоса ёши қирқлардан ошган аёл бўлиб, негадир юз-кўзларини шашқатор ёшлар ювиб турарди.

У бизни кўриб «вой» деди ва илдам саҳна ортига ўтиб кетди. Бирпасдан кейин ўша кўйлакда, фақат узун сочларини турмаклаб, қоп-қора рўмол остига олиб, олдимизга битта-битта юриб келди. Эгилиб, қўлларини кўксига қўйиб салом берди. Сўнг: «Қизларжон, сизларга бирпас танаффус», деди. Қизчалар дуторларини ўтирган стулларига қўйишди, кейин нимқоронғи залдан сассиз чиқиб кетишди.

— Хуш келибсизлар, — деди у икки қўлини кўксига қўйиб, — кўришганимиздан хурсандман.

Иккаламиз нима дейишни билмасдик. Унда ҳеч қанақа ишимиз йўқ. Бизни фақат мотам кўйлагида шунчалик берилиб ўйнаётган раққоса ром этганди, холос. Хайрулла арава босгандек пучуқ бурнини бир тортиб, менга қаради. Мен қўлимдаги елим ручкамнинг қисқичини чиқ-чиқ ўйнайман. Бошлиқ бошлиқда. Хайрулла тилга кирди: «Бу киши газетадан, мухбир».

— Ажаб қипсизлар кеп, — деди аёл киприкларида ялтираётган ёшларини ғижим-ғижим рўмолчаси билан артаркан, — янги номеримизни кўриб кетасиз. Биласиз, Хайруллажон, ансамблимиз бу йил йигирма беш ёшга тўлади. Мана ҳозир кўрасиз қизларимиз нимани ўрганишганини.

У шундай деб илдам эшикка йўналди. Кўчадан бояги қизалоқларни бошлаб келди. Кейин:

— Ҳур қизларим, бизни кўришга раҳбаримиз Хайруллажон билан мухбир укамиз келишипти. «Мунажот»ни бир қайтариб юборинглар-чи, — деди жилмайишга тиришиб. — Гули, қани, бошлай қол.

Қизчалар узун, оппоқ шойи кўйлакларини ҳилпиллатиб жойларига бориб ўтиришди. Дуторлар нозик чертилиб, бир қизалоқ саҳнага оққушдек елиб чиқди. Ўйнади-ей, ўйнади. Табиатнинг шундай мўъжизаси борлигига ишонгинг келмайди-я?

— Худди ўзингиз-а, — деди Хайрулла ялпоқ бурнини бир тортиб, — ёш-да, рақсингизни қабул қипти-кўйипти.

Ука, мухбир халқи кўп кузатувчи бўлади. Ҳамроҳим гапираётганида аёлнинг оқарган сочларию ажин тушган пешонасига қараб тургандим. Юзларини дув ёш ювиб кетди. Тескари қараб, рўмолчасининг қуруқ бўлагини ахтарди. Иккимиз баттар қотдик-қолдик. Нималар бўлаяпти, дея ўйлаймиз. Бу аёл касалмасми ўзи: рақс тушса кўзида ёш, гапирса кўзида ёш. Устига-устак қора кийимда. Санъат бу — ёруғлик, байрамку. Раққосалар фақат оқ кийишади, жилмайиб ўйнашади.

Аёл бизга орқасини ўгирганда Хайруллага им қоқдим: «Нима гап ўзи?».

У эса елка қисди: «Қайдан билай, ахир?»

— Биласиз, Хайруллажон, — деди аёл ўгирилиб хаёлимизни уққандек ерга қараб. — Бу ансамблга биттаю битта қизим — Нозимахоним раҳбарлик қиларди. Ундан... айрилиб қолдик.

Биз: «А?!» — деб юбордик. Аслида мен на ўша қизни, на бу аёлни билмасдим. Лекин ўша пайтда нимадир дейиш керак эди-да. Аёлнинг этсиз лаблари титради:

— Шунақа бўп қолди, пешонамга сиғмади-я, сиғмади-и-и!

Юрагим баттар эзилиб кетди.

— Ўша куниям биласиз, битта рақсни уч марта кўрсатипти. Кейин ҳозир сиз кўрган Гулини саҳнага чақирибди. Рақс янгимасми, ўйнолмапти. Ўзи зинадан чиқа туриб қоқилипти. Бўйин томири ёрилиб...

Аёл тескари қараганча, анча жим бўлиб қолди. Кейин рўмолчасини икки кўзига бир-бир босиб бизга қаради. Ва деди: «Боёқиш қизчалар ҳар ёққа жўжадек тўзиб, боламнинг бошига одам тўплашипти, дод дейишипти. Касалхонада...»

Бунақа пайтда одатда марҳумнинг ёшини сўрашади. Бу саволни Хайрулла берди.

— Биласиз, — деди аёл титраб-қақшаб. — Ансамблминам баравар эди. Яна бир ҳафтадан кейин йигирма бешга тўларди. Э, ҳаёт-а, ўн кун олдин бизни ташлаб кетди.

Рақс залига киришга кирдиг-у, чиқишни ўйлаб қолдик. Аёл халқи жуда зийрак бўлади. Суҳбат тамом бўлганини сезди. Бизнинг энди ҳамдардлигимиз ҳам ёш болани алдаб юпатишдек бир гап эди. Аёл пошнасиз туфлиси учига қараб:

— Шу ансамблнинг йигирма беш ёшини нишонламоқчимиз. Ҳамма нарса тайёр ҳисоб. Сизни ҳам шу кунги концертга айтиб қўймоқчийдик, Хайруллажон, — деди. — Мухбир укамиз ҳам албатта келсинлар-а!

Унинг овози титради ва бўлак гапирмади. Секин бурилиб, ташқарига йўналаётганимизда раққоса аёлнинг овози эшитилди: «Қўлларни эркин ҳаракатлантиринг, мана бундай, бундай. Қоматни тик тутинг, мана бундай...»

Мен ўгирилиб қарашга ботинолмадим.

* * *

Ҳафта ўтгач, бир йиғилишда Хайруллани учратиб қолдим. Хаёлимга дафъатан раққоса аёл келди:

— Юбилей концертига бордингизми? — деб сўрадим. Ва ичимда зора борган бўлса, йиғлаб айтганди-я, деб қийналиб ўйладим.

— Э, ёдимдан кўтарилибди, — деди у кўзини олиб қочиб.

Азбаройи жаҳлим чиққанидан йўққина бурнига мушт туширгим келди. Хайрулла важоҳатимни сезиб тўнини тескари кийволди:

— Ансамбль хўжаликники. Ўша куни раққоса опа: «Биласиз, биласиз» деяверди. Ўзингиз ўйланг, ўтдек ёниб турган юракка бирон эътироз айтиш мумкинмиди? Умримда кўрмаганман уни! Қизиниям.

Бозор кўтарса, шу гапи учун тумшуғига бир эмас, икки мушт туширардим. Ахир у санъаткор-ку! Бу ёқда ўзим ҳам ич-этимни еб ташлаётгандим.

Орадан чамаси бир ярим ойлар ўтгач, республика газетасида «Орзу»нинг парвози» деган хабар ўқиб қолдим. Бу ўша мен билган дуторчи қизлар ансамбли ҳақида эди. Газетанинг худди шу бетида таниқли ансамблнинг собиқ балетмейстери вафот этгани ҳақидаги таъзияномага кўзим тушди. Ички бир ҳиссиёт билан ўшамасмикан, ишқилиб, деб кўрқиб ўйладим. Хайруллага қўнғироқ қилдим.

— Ўша, — деди у оғир уф тортиб, — ҳозир хўжаликка телефон қилиб билдим. Қизидан кейин юрак-бағри куйиб тамом бўпти боёқишнинг дейишди.

Э, ука, ўша опа ўлган бўлсаям юрагида армон қолмагандир-а, аммо Хайруллани билмадим-у, менинг бўғзимда бир нарса тош бўлиб қотдию қолди.

Абдусаттор ҲОТАМОВ.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши бошланғич ташкилот етакчилари учун уч кунлик ўқув-семинар ўтказди.

ЕТАКЧИЛАР УЧУН МАШҒУЛОТ

Унда вилоятдаги ҳар бир шаҳар ва тумандан 100 нафардан зиёд етакчи иштирок этди. Семинарни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, етакчиларда ҳужжатлар билан ишлаш, ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш, бошланғич ташкилот ишини юритиш ҳамда фаолиятни янада жадаллаштириш каби кўникмаларни ҳосил қилиш ва қўллаш услубларини ўргатишдир. Шунингдек, иштирокчиларга бу борада зарур бўлган ўқув-услубий қўлланмалар тарқатилди.

Ўз мухбиримиз.

Ҳаёт сабоқлари

КЎНГИЛ ЎЙҒОҚ

Мактабда ўқиб юрган кезларимиз тенгқур жўралар биргалашиб, қўшни маҳалла ёшлари билан футбол ўйнардик. Асли тўп билан муомала қилишга у қадар хушим йўқ бўлсада, тенгдошларга қизиқардим, ютадиган бўлсак, уст-бошимиз чанг-тупроққа беланиб кетса ҳам, уйга ҳузур қилиб қайтардик. Ўйинларимизнинг ўтиш тартиби ҳам катта футбол қоидаларига мос: «уйда» ва «сафарда» кечарди...

Қўшни маҳаллада Умиджон исмли бола бўларди. Ёши бизлардан бироз катта, таассуфки, кўзи туғма ожиз эди. Шу ҳолига қарамай, бундай ўйинларни асло ўтказиб юбормас, майдон четига оҳиста ўтириб олиб астойдил ишқибозлик қиларди. Доим шунга ҳайрон қолардим, тун билан тонгни ажрата олмайдиган ожиз ва нотавон бир инсонга бебош, ўйинқароқ ўсмирларнинг хом-хатала тўп тепиши, қий-чуви, ур-йиқитининг нима қизиғи бор? Унинг жарима тўплари тепилаётган, тўп дарвозага кирган паллалардаги ҳаяжонини бир кузатсангиз эди... Худдики, ҳаммасини кўриб тургандек. Баъзан ёнидаги ҳамроҳидан у-бу нарсаларни сўраб-суриштириб қўяр, бирор қоидабузарлик рўй берса, унинг сабабларига астойдил қизиқарди.

Шу тариқа биз ҳам бу кемтик йигит билан қалин таниш бўлиб қолган, бемалол ҳазил-ҳузул қилиб, футбол ҳақида баҳс-мунозарага киришиб турар эдик. Вақт ўтиб, ёшлик шўхликлари ортда қолди, тўп тепиш у ёқда турсин, баъзан энг зарур юмушларга ҳам вақт ортмайди.

Яқинда, меҳнат таътилим пайтида бироз зерикиб, маҳалладаги ёшларнинг қий-чуви эшитилиб турган қадрдон эски мактаб ўйингоҳига бордим. Чор-атроф гавжум, ўйинчи ҳам, ишқибоз ҳам кўп. Чамаси, қишлоқ миқёсидаги бирорта жиддий ўйин ўтказилаётган бўлса керак. Ишқибозлар орасидан қора кўзойнак тақиб олган, бошига арабий дўппи қўндирган Умиджонни таниб, ёнига бориб сўрашдим. Ажабо, анча вақтдан бери гаплашмаганимизга қарамай, у мени овозимдан дарҳол таниди.

— Яхшимисиз, — дедим елкасига қоқиб, — бу дейман, эски ишқибозчилик ҳали ҳам сўнмабди-да?

Умиджон секин кулиб қўйди.

— Шукр, юрибман, — деди у кўзини бир нуқтадан узмай. — Ўзингиз кўринмайсиз?

— Мана, келдим, — дедим базўр ютиниб. Бўғзимга нимадир тиқилди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.

• Sport

МЕЗБОНЛАР ЗАФАР ҚУЧДИ

Чирчиқ шаҳрида 1989-90 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида ташкил этилган дзюдо бўйича халқаро турнирда ҳамюртларимиз билан бирга Қозоғистон ва Қирғизистондан келган 500 нафарга яқин спортчи тўққиз вазн тоифасида ғолиблик учун беллашди.

Қизиқарли курашларга бой бўлган ўғил болалар ўртасидаги беллашувларда Тошкент вилояти вакиллари У. Норқобилов, Я. Имомов, пойтахтлик У. Азизов, самарқандлик Р. Умирқулов, бухоролик К. Бобомуродов, Ж. Ражабов ва қозоғистонлик Б. Отанишин ўз вазн тоифасида ғалаба қозонди.

Қизлар ўртасида чирчиқлик Ю.Хабарова ва қозоғистонлик А.Мирзабоева ўз вазн тоифасида шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Умумжамоа ҳисобида мезбонлар жамоаси вакиллари биринчи ўринни қўлга киритди.

ШИДДАТЛИ БЕЛЛАШУВЛАР

Республика Олимпия заҳиралари коллежида трамплиндан сакраш бўйича ўтган Ўзбекистон кубоги баҳсларида ҳамюртларимиздан ташқари Қозоғистондан келган қирқ нафарга яқин спортчи ўзаро куч синашди.

Унда батутдан сакраш машқлари бўйича яккалик баҳсларида эркаклар ўртасида пойтахтлик Александр Желнерович ғолиб чиққан бўлса, хотин-қизлар ўртасида ҳамюртимиз Анна Савкина барча рақибаларини мағлубиятга учратди.

Жуфтлик баҳсларида пойтахтлик Александр Желнерович ва Владимир Елисеев ғалаба қозонди. Хотин-қизлар ўртасида Тошкент шаҳри вакиласи Анна Савкина – наманганлик Махина Ибрагимовага тенг келадиган жуфтлик топилмади.

Қ. ҚАРШИЕВ, ЎзА.



Миробод туманидаги 213-мактаб томонидан 2003 йилда Абдазов Шавкат Абдиманнонович номига берилган O'R-A 1425648 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Янгийўл шаҳридаги 10-мактаб томонидан 2005 йил Магрупова Комила Ильчимуратовна номига берилган UN 1578640 рақамли тўққиз йиллик маълумот ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ангрен шаҳридаги 18-ўрта мактаб томонидан 2001 йилда Каржаубаев Марлен Нурланович номига берилган OP-B 0095030 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Сергели туманидаги «Элмира — Карина» хусусий корхонасига тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод туманидаги 253-ўрта мактаб томонидан 1992 йилда Ким Евгений Афанасьевич номига берилган А 088603 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шайхонтоҳур туман ДСИ томонидан 2003 йил 3 февралда Арипджанов Ахмаджон Махмудовичга берилган 115-рақамли даромад ва товар операцияларини ҳисобга олиш дафтари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Бектемир туманидаги «FOTIMA — OQILA» масъулияти чекланган жамияти (ОКПО 19855307)
ТУГАТИЛАДИ.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Остонов кўчаси, 7-уйда қабул қилинади.

Мирзо Улуғбек туманидаги «RAVNAQLI» масъулияти чекланган жамияти (ОКПО 14927657) ўзининг устав фондини 50 000 000 сўмдан 40 000 000 сўмга камайтирганлигини маълум қилади.

Қуйичирчиқ туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалиги фермер хўжаликларига айлантирилиши муносабати билан собиқ ширкат хўжалиги билан бўлган кредиторлик қарзлар бўйича барча кредиторларни эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида собиқ «Дўстлик» ширкат хўжалигига мурожаат этишларини сўраймиз.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-142. Адади 2678. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚУЧҚОРОВ.

(Т) белгили материаллар – реклама материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 5